

«Соф табиат дини»

Саййид Мубашшир Тарозий



СОФ ТАБИАТ ДИНИ

16:20 / 04.03.2022 2265

Бундан юз йилча муқаддам ёзилган ушбу ихчам рисола Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан, иймонини советлар тузуми тазйиқидан сақлаб қолиш

мақсадида кўп йиллар муҳожирликда яшаган улуғ олим ва адиб Саййид Мубашшир Тарозий қаламига мансуб. Ислом динига доир элликка яқин китоб муаллифи ўзининг бу асарида китобхонга Аллоҳнинг тавҳидини, инсониятнинг руҳий-маънавий табиблари бўлмиш пайғамбарлар рисолатини, ҳақ ва ботил орасидаги фарқни таништиради, қатор диний, ижтимоий ва сиёсий муаммоларга дучор бўлиб, боши берк кўчага кириб қолган Ғарб оламини «ҳақиқий абадий дин» бўлмиш Исломга ва унинг ҳикматли таълимотларига чорлайди. Пайғамбарлар келтирган шариатлар ва Аллоҳ таоло ваҳий қилган қонун-қоидаларсиз башариятнинг бахтли ҳаёт кечириши асло мумкин эмаслигини ишончли далил-ҳужжатлар ёрдамида исботлаб беради.

Муаллиф: Саййид Мубашшир Тарозий

Таржимон: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Нашриёт: «Hilol» нашриёт-матбааси

Сана: 2021 (2019, 2012)

Ҳажми: 128 бет

ISBN: 978-9943-6463-1-5

Ўлчами: 84×108 1/32

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йилдаги 6590-рақамли хулосаси асосида чоп етилди.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Абу Наср Саййид Мубашшир ибн Муҳаммад Тарозий Мовароуннаҳрнинг таниқли уламоларидан ва адибларидан эди. У милодий 1890 йили Туркистоннинг Авлиё ота шаҳрида (эски Тарозда) туғилган. Отаси, замонасининг етук фақиҳи Саййид Муҳаммадхон тўра ўғлини олдин Тароздаги таниқли олимларга шогирд қилиб берди. Сўнг у Тошкентдаги Абулқосим ва Бухородаги Мир Араб мадрасаларида таҳсил олди. Таниқли аллома Муҳаммад ал-Асалий (Шомий) домладан сабоқ ўқиди, Қуръони каримни тўла ёд олди, нақшбандия таълимотини ўрганди. Унинг «Қуръон ва нубувват» номли китоби ўша пайтлардаёқ совет ҳукумати томонидан мусодара қилинган эди. У Тароз шаҳрида диний идора очди, мактаблар ташкил этди, юртни босқинчи болшавойлар истилосидан халос этиш

ҳаракатларида фаол қатнашди. Таъқиб кучайгач, 1930 йили ватанини тарк этиб, олдин Афғонистон, Ҳиндистонда, 1945 йилдан бошлаб Мисрда муҳожирликда яшади. Олим узоқ йиллар Миср кутубхоналари бош идораси «Дорул-кутубия Мисрия»да туркий китоблар бўлими мудирини бўлиб ишлади. Олимнинг қаламига мансуб Қуръон илми, Ислом фикҳи ва тарихига оид элликка яқин асарлар, кўплаб ғазал ва маснавийлар, мақола ва рисолалар бир қанча Ислом ўлкаларида чоп этилди. Саййид Мубашшир ибн Муҳаммад Тарозий 1977 йили Қоҳирада вафот этди. Олимнинг ушбу «Соф табиат дини» номли асари Афғонистон пойтахти Кобулда ёзилган эди.

МУНДАРИЖА

Муаллиф ҳақида

Исломга марҳабо!

Муқаддима

Диндорлик

Булар қандай таълимотлар?

Ислом ва инсон табиатининг эҳтиёжлари

Иброҳим, унинг отаси ва қавми

Борлиқ ва неъматлар ҳақида тафаккур

Инсоннинг ҳозирги асрдаги масъулияти

Ўзни таниш орқали Парвардигорини таниш

Ислом шоирлари Холиқнинг мавжудлиги ҳақида

Ҳар бир махлуқнинг Холиқнинг борлигини сезиши

Шу хусусдаги ҳикоялардан

Унинг ягоналиги

Мушрик ва деҳқон

Бошқа оятлар

Ийсо алайҳиссалом ҳақида ҳақ сўз

Янада кўпроқ билиш ва ишониш учун

Яҳудийларнинг Ийсо ҳақидаги гаплари

ботил экани ва ийсонинг осмонга кўтарилиши

Кўшимча фойда

Ийсонинг тушиши ва аҳли китобнинг

унга иймон келтириши

Ўзлари гувоҳлик беришади

Баёнотлар ривояти

Бошқа бир ҳужжат

Матндан баъзи парчалар

Яратган Холиққа ибодат қилиш
Бу борадаги айрим мулоҳазалар
Ислоннинг бошқа арконлари ва аҳкомлари
Ҳаво сафарларидан хурсандлигим